

## Талаба-ёшлар ҳайдовчилик курсидан имтиҳон топширдилар

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети 2-босқич талабалари «Агроинженерлик» амалиётини ўташди. Ўқув амалиёти Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида жойлашган ТИҚХММнинг амалиёт майдонларида ташкил этилган. Ўқув амалиёти жараёнида талабаларимиз қишлоқ хўжалиги техникалари билан яқиндан танишиб, ўз тажриба ва кўникмаларини бевосита амалий машғулотлар ёрдамида оширишди. Факультетимиздан жами 250 нафарга яқин талабалар ўқув амалиётига жалб қилинган эди. Амалиёт даврида талаба-ёшлар қишлоқ хўжалик машиналарини ҳайдаш учун имтиҳон топширдилар. Талаба-ёшлар трактор ва комбайнларни амалда синаб кўрдилар. Унда факультетнинг барча талаба-ёшлари муваффақиятли топширдилар. Яқинда ижобий кўрсаткич олган талаба-ёшларга ҳайдовчилик гувоҳномалари топширилди.

